



Баходир Тўргайнинг ўгли Темир (хозирги олимлар тилида Турагай ва Темур) қандай бола бўлганлиги, унинг ёшлиги ва биринчи мухаббати ҳақида тарихий далил ва манбалар йўқ, дейилади. Катта-кичик барча юртдош олимларимиз, рус ва гарб шарқшунослари шундай фикрда. Аммо Америка шоири Эдгар Аллан По «Темур» номли достонида унинг биринчи мухаббати ҳақида ёзган. Асарда ҳазрат Соҳибкирон Амир Темур ўлим тўшагида ётаркан, бир умрлик пирига ўзининг биринчи мухаббати ва бу мухаббат шу видо чоғигача ўзини тарк этмагани борасида гапиради.

Севдим бу дунёнинг бир дилбарини.
Қачон илк бор кўрдим, қайси кўз билан?
Мен унинг чиройли қарашларини
Тасвирлай олмайман асло сўз билан.
Ҳаёлимда қолган факат бир суврат
Юрагимнинг титроқ қаракларида.
У суврат сувратмас, соядир факат,
Сирли шабаданинг сояси содда.

Темур у киз ўзи учун қувонч, умид, кўз нури бўлганлиги, боладай соф, масъум, мулойим, айна чоғда акли, шуури қомиллиги, ўрталаридаги мухаббат тамасизлиги, ҳеч нима талаб қилмаганлигини ҳикоя қилади. Ҳикояда энг бахтли онлар, юксак тоққа чиққанлари, қояларда туриб дарадаги янғроқ ирмоққа қулоқ тутганлари, сирли сояларнинг чўқиши, нозик кўкрагига бош қўйгани, йиғлаб мухаббат изҳор қилганлари қабил манзаралар қонланади. Амир Темур ўша пайтда факат мухаббат эмас, шон-шухрат ҳам ўзига қанот бўлганлиги ва у қелғусида бошига тож қи язаги ва қизни малика қилажаги ҳақида гапирганда, қиз жавоб беришдан ўзини қап олгани борасида ҳам ҳикоя қилади ва... буюқ шон-шухратларни қўлга қиритиб қизнинг уйига қайтганида уни топмаганлигини алам билан сўзлаб беради.

Эдгар По «шон-шухрат – мухаббатнинг сочларини юлгани» ҳақидаги фикри билан қосонни қулналади.

Албатта, бу воқеалар шоирнинг ҳаёл маҳсули бўлиши мумкин, аммо шоирнинг ҳаёлини, илхомини кўзгаган бир тафсилот, бир хабар бўлиши қерак-қу!

Қосонни ёзганда По Виржиния университетининг иккинчи қурсида ўқир, эндиgina 18

ёшга кирган эди. У ўзи ўқиётган университетнинг кутубхонаси ё ўқув залида кандайдир тарихий манбага дуч келгандир, биз ҳам бир кун эмас бир кун Тему́рнинг ёшлиги хакида бирор ноёб китобни топамиз, деб ўйлайман.

Мухтарам олимимиз Тургун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» китобида Хазрат Сохибкирон Амир Тему́рнинг отаси Амир Мухаммад Тарагай Шахрисабз (Кеш)нинг маълум кисмида ҳоким бўлган ва замон анъаналарига кўра ўғлига от миниш, ов килиш, хат-савод чикариш, ислом конун-қоидаларини ўргатиш учун мураббийлар тайинлаган. Буюк араб файласуфи Ибн Холдун сохибкирон турк, араб, форс халклари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларига яхши ўзлаштира олган зот эканлигини ёзиб қолдирган.

Тему́р 12 ёшидаёқ болаларга хос эрмак ўйинлар ўйнамас, сипохийларга хос ўйлар ўйнади.

16-18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва ов килиш санъатини мохирона эгаллайди.

Дарвоқе, рус ва ўрбий Оврупо шахзодалари ҳам айнан шундай тарбияланганлар.

19 ёшида, яъни Эдгар Аллан По айтмоқчи, биринчи муҳаббат тарихини бошдан кечирган ва шон-шухратга эришиш учун курашга киришган вақтларида, отаси уни Жоку Барлоснинг кизи Турмуш оғога уйлантириб қўйган, яна шу йилнинг ўзида Амир Қозогоннинг набираси, амир Хусайннинг синглиси Қамолойга уйлган. Қамолой доим эркаклар қийимида отга миниб, жангларда иштирок этар, жангдан қўп ўлжалар билан қайтар экан. Шунинг учун уни Ўлжаой Туркон оғо деб аташканлар. 1356 йилда Турмуш оғодан Жаҳонгир Мирзо, Ўлжаой Туркон оғодан Умаршайх Мирзо тугилган. Яна икки йилдан кейин Турмуш оғодан бир қиз тугилиб отини Ўғибегим қўйганлар, ўлжаой Туркон оғодан ҳам бир қиз тугилиб, отини Султон Бахтбегим қўйганлар. 1366 йилда Ўлжаой Туркон оғо қасал бўлиб вафот этган. Турмуш оғонинг кейинги ҳаёти хакида бошқа маълумотлар учрамайди.

1360 йилда Тему́рнинг отаси амир Мухаммад Тарагай вафот этди ва Тему́р отасининг ўрнида унинг ишини давом эттирди.

Қунларнинг ҳаммасида, баъзан-баъзангина ҳасталик туфайли бўлак яшаганини ҳисога олмаганда, хотини Ўлжаой Тему́р билан ёнма-ён бўлди. Аммо нотинч ва оғир қунларнинг таъсириданми, Ўлжаойнинг қасали ойдан ойга, йилдан йилга қучайиб борди ва 1366 йил март ойида вафот этди. Улар бир қиз ва бир ўғил қўргандилар, аммо улар ҳам ёшлиқда нобуд бўлдилар.

Ибн Арабшоҳ Тему́рни шундай тасвирлайди:

«Тему́р жуда келишган эди, бўйи баланд, қалласи қатта, манглайи очик, овози жарангдор эди, қучи қасурлигидан қолишмас, оқ юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Қенг елкалар, семиз-семиз бармоқлар, ёнбошлар, бақувват мушакларга эга эди. Ўнг қўли ва оёғи қаттиқ шакастланганди. Қўз қарашлари ёқимли, ўзи ўлимни писанд қилмасди. Ўла-ўлгунча ақл-зақоватини ҳам, довурақлигини ҳам йўқотмади.

Ёлгон-яшиқнинг ашаддий душмани эди, ҳазил-хузулни ёқтирмасди. У ўз хузурида талон-тарож, ўлдир-ўлдир, хотинларни зўрлашлар хакида гапиришга йўл қўймасди. У қанчалик аёвсиз бўлмасин ҳақ гапни охиригача эшитишни яхши қўрарди. Яхши-ёмон ҳолатлар унинг қайфиятини буза олмасди».

Тему́р қавгон ўйинини яхши ўйнади.

БИБИХОНИМ

Сароймулкхоним Чигатой улусига мансуб бўлган мўгул хонларидан Козонхоннинг кизи бўлиб, 1341 йилда тугилганди, отаси Козонхон тахтдан ағдарилиб катл этилганда у хали 5 ёшда эди. 14 ёшида Амир Хусайн уни ўз никоҳига олганди. Амир Темур уни 29 ёшида ўз никоҳига киритиб, «кўрагон» («куёв») бўлди. Куёвлик, расм-русмларга кўра, расман хон бўлмаса ҳам, ҳокимиятни бошқариш ҳукукини берарди.

Темур Сарой Мулкхонимнинг хон авлодига мансублигини инобатга олиб, уни Бибиҳоним (Катта хоним) этиб тайинлади. Яъни энди у ҳарамдаги барча маликалардан улуг ҳисобланадиган бўлди. Бунда унинг ақл-заковат ва фикрлаш доираси кенглиги бош омил бўлди. Чиндан ҳам Сароймулкхоним жуда ақлли, фаросатли, тадбиркор аёл эди.

Сиёсатдонлик, инсонпарварлик, саховат бобида ҳам тенгсиз бўлиб, ҳокимиятни бошқаришда бемалол иштирок эта олиши, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ишларига ҳомийлик қила олиши кўриниб-билиниб турарди.

Тарихчиларнинг ёзмаларидан маълумки, Амир Темур Эронга юриш бошлаганда, Исфохон камали чўзилиб кетиб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади, «Кўшиннинг захираси тугади, ҳазинадан зар юборинг» дейилганди унда. Бибиҳоним «сиёсатингиз ҳам тугадими?» деб жавоб ёзган, сўнг Амир Темур турли суякларни кестириб, орқасига муҳр урдириб, вақтинча пул чикартирган, шаҳар кишлоқлардан суяк-пулларга озик-овқат сотиб олган, Исфохон таслим бўлган, суяк пулларни зар пулга алмаштириб берилганди. Бибиҳоним чет эл элчиларини қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида иштирок этгани ҳам тарих китобларида битилгандир.

Бибиҳоним Клавихонинг хотираларида шундай тасвирланган:

«Хамма жой-жойини эгаллагандан кейин чодирлар яқинига ўрнатилган говларнинг бири ичидан байрамда катнашиш учун сеньорнинг (Темурнинг) улуг хотини Каньо (Бибиҳоним) чиқиб келди. У олтин гулли кип-кизил либосда бўлиб, либос енгсиз, ёқаси чуқур ўйилмаган, факат боши чиқиб туришига лойик ва кўлларини тикиш учун мўлжалланган ўймаси бор, этак томонлари жуда кенг эди. Белига ҳам ҳеч қандай кесик-песик қилинмаган, эркин юрсин учун, этакни 15 тача аёл кўтариб келарди. Юзига шунча кўп упа сурилгандики, у қозғалганга ўхшарди. Билсам, бу қадар кўп упа уни қуёшдан саклаш учун экан. Кишда ҳам, ёзда ҳам узок йўлга чиққан хамма оксуяк хонимлар юзларини кундан шундай химоя қилишаркан. Каньонинг юзи енгил ок тўр билан тўсилган, бошида қизил матодан қилингн калпок бўлиб, у турнирда савашадиган рийарларнинг дубулгасига ўхшар эди. Тўр сал-сал елкаларига тушиб турарди. Аммо бу дубулга жуда узун, унинг кўпдан-кўп йирик, йилтир-йилтир қилган думалок марваридлари, ёқут, феруза ва бошқа турли-туман, жуда чиройли ишлов берилган тошлари бор эди. Елкасига тушиб турган тўр ҳам олтин гулли эди, устидан жуда чиройли, кўп қимматбаҳо тошлар билан безалган олтин тож бор эди. Унинг энг тепасида учта ёқутдан, икки бармоқча келадиган ёркин ва фавкулудда гўзал, қучли йилтирайдиган қурилма бор эди.

Қурилманинг учини бир тирсак баландлигида катта жига безаб турар, унинг айрим парқулари пастга, бошқалари юзига ва кўзларигача эгилиб турарди. Бу парқулар олтин тизимча билан боғланган, тизимчанинг охириги учу тошчали ва марваридли қуш қанотларидан қилинган ок қилкаламга ўхшарди. Хоним одимлаб келаётганда бу жига ҳар тарафга қилпиради. Қоп-қора сочлари елкаларига тушиб ёйилиб турарди. Бошидаги дубулгани бир неча оксуяк хоним ушлаб олғудай хушёр бўлиб изидан келарди. Хаммаси бўлиб уч юздан ортик асилзода аёл Каньонинг ортидан келарди».

Халқ Бибиҳонимни жуда яхши кўрар, у ҳақда бир қатор гўзал афсоналар тилдан тилга кўчиб юрарди. Мисол учун битта афсона мана бундай:

1399 йилда Хинд сафаридан зафар билан кайтган Сохибкирон Тему́р жуда катта масжид ва мадраса курдириш режасини ўртага қўйди. Моварауннахрнинг энг мохир мухандислари, тажрибали усталари, Озарбайжон, Форс, Хиндистон ва бошқа мамлакатларнинг тоштарошлари, хаммаси бўлиб 200 киши биргаликда қурилиш асосларини қўйдилар. Тоғларда 500 киши тошларни йўниб, тайёрлаб шаҳарга юбориб турарди. Араваларга қўшилган ҳўкизлар, 95 та Хиндистондан келтирилган тоғда-тоғдай филлар ишга қўйилганди. Тему́р бир неча ойгина қурилишни ўзи шахзодалар, амирлар билан бирга кузатиб турди, аммо тезда яна узок муддатли янги сафарларга отланди. Қурилишга раҳбарликни Биби́хонимга топширди. Биби́хонимга оид афсоналарнинг аксарияти ўша дарга оиддир.

Биби́хоним эрининг қайтишига совга бўлсин деб дунёда тенги йўк улугвор масжидни битказишни ўйлаб қўйди. У қурувчиларни чакириб, уларни илхомлантириш учун, кимматбаҳо олтин-кумуш, бебаҳо тошлар уюмини кўрсатди. Уларнинг ҳар бири ишига яраша шу бойликлар билан мукофотланишини айтди. Иш кизиб кетди. Миноралар кўкларга чўзилди, кенг майдонда ок мармар равоклар катори тикланди, хаворанг минора кўк токи билан бахслашаётгандек эди. Факат равокнинг энг баланд аркини тепадан бирлаштириши керак эди. Аммо ёш меъмор ишни битказа колмас, орқага сураб эди, чунки у Биби́хонимни севиб колганди, қурилишни тамомласа хонимни ҳеч қачон кўра олмаслигини биларди. Тему́р эса Самаркандга яқинлашар ва сабрсизлик билан келавериш тўғрисида ижозат сўраб тўхтовсиз чопар юборарди. Биби́хоним меъморга, ишни тезроқ битказинг, деб ёлворарди. Меъмор эса, бунинг эвазига кўз кўриб, кулок эшитмаган бир ҳадя битта ўптиришни талаб киларди. Биби́хоним турли рангларга бўялган тухумларни юбориб, пўсти арчилса хаммасининг мазаси бир деган гапни уқтирмокчи бўларди. Бу ҳам ёрдам бермагач бўса беришга рози бўлди, аммол меъмор ўпаётганда чиройли юзига кўлини қўйишга улгуради. Аммо бўсанинг харорати шу қадар қучли эдики, кўл тўсиклигига қарамай барибир юзида доғ колдирди. Тему́р олдин масжидни кўриб роса завкланган эди, кейин бирдан хотинининг юзидаги доғни кўриб колади. Масала очилиб колади. Тему́рнинг одамлари йўлдан урган одамни тутиб келишга борсалар, у канот чиқариб, аллақачон учиб кетган экан.

Биби́хоним мадрасаси кенг ва бахайбат, ўймакор мармардан, етти ил металл қўйиб мустаҳкамланган, олтин ва кумуш суви билан безалган, дарвоза табакалари ўрнатилган, бу дарвоза очилиб-ёпилганда нозик рангли металл титраб тургани кўзни оларди.

Яна бир ривоятга кўра, Биби́хоним кош қорайгач, қанизлари билан қийимларини ўзгартириб мадраса томонга бораркан, талабаларнинг тирикчилиги қандай ўтаётганини ўз кўзи билан кўриб, текшириб келаркан. Бир қуни борса хамма хужраларнинг чироги ўчгану, биттасининг чироги ёник экан. Сароймулкхоним ўша хужра эшиги ёнида талабаларнинг суҳбатига кулок солибди. Улардан бири иккинчисига:

-Қани, тўғрисида айт, ҳозир қўнглинг нимани истаяпти? – депти:

-Қўй гўшти, қўй ёғида димланган бир лаган палов бўлсайди... Сен-чи?

-Мадраса сохибаси Биби́хоним дунёда тенги йўк гўзал, деб эшитганман. Қанийди хоним билан бир кеча суҳбатлашсам...

-Э, овозингни ўчир, бир фалокатни бошлайсан бу гапинг билан...

Сароймулкхоним хужра ёнидан узоклашиб, қанизлари билан саройга қайтибди.

Эртасига барча талабалар саройга чақиртирилиб, уларга зиёфат берилибди. Қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланган ёғлик палов тортилибди. Шундан сўнг юзига парда тортилган холда Биби́хоним кириб келиб:

-Хўш, мулла йигитлар, ёглик палов бўлибдими? – депти паловни орзу килган йигитга юзланиб.

-Куллуқ, хонойим, таърифдан зиёда бўлибди, - дейиши билан Бибихоним биринчи толиби илмга: - Энди сизнинг орзуингизга келсак. Биласизки, мен сохибкироннинг никохидаман, демак, сиз билан суҳбат курмогим мумкин эмас. Аммо ўзимнинг гўзал канизларимдан бирини сизга никохлаб берарман. Розимисиз? – депти. Тили калимага келмай, эс-хушини йўкотаёзган талаба ўзини хоним оёғига ташлабди:

-Уэр, афв этсинлар, хонойим, бу беадаб кулингизнинг гунохидан ўтинг.

Бу аснода Сароймулкхонимнинг ишораси билан меҳмонхонага кози ва имом кириб келибди ва барча талабалар гувоҳлигида канизлардан бирини унга никохлаб кўйибдилар.

Шарк санъати ва обидаларининг мажнунона ошиги, санъатшунос Юрий Халаминский Бибихоним хақидаги ривоятларни шархларкан:

«Ривоятда шундай, ҳаётда эса ҳаммаси бошқача бўлган... Темурнинг мухтарама хотини Сароймулкхоним мадраса битган пайтда олтмиш ёшдан ошган эди. Унинг гўзалликлари кимларнидир мувозанатдан чиқарган бўлиши эҳтимолдан узок», - деб ёзади. Мен эса бу гапнинг тўғрилиги эҳтимолдан узок, деб ўйлайман. Гўзаллик ва маъмурлик ичида яшаган, жахоннинг ҳар қандай атир-упалари, дори-дармонлари, табибу ҳозиклари, ҳакиму алломалари хизматида бўлган бир аёл 60 ёшида кимларнидир ошики бекарор килолмаслиги мумкин эмас. Ривоятлар осмондан тушмайди. Халқ фантазиясига канот берувчи воқеалар бўлганлиги ҳар қандай гумонлардан ҳолидир.

Миразиз АЪЗАМ